# ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ АСОСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

1999 йил 14 апрелда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги (янги таҳрирдаги) Қонунда эса барча бўғиндаги ўзини ўзи бошқариш органларига, шу жумладан, маҳалла фуқаролар йиғинига аҳоли манфаатларини ифодалаш ва унинг номидан тегишли ҳудудга амал қилувчи қарорлар қабул қилиш, қарорлар эса бошқа қонун ҳужжатларининг, шунингдек, ўз қарорларининг ижро этилиши бўйича жамоатчилик назоратини амалга ошириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ободонлаштириш юзасидан корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш сингари ҳуқуқлар берилди.

Шунингдек, ободонлаштириш ишларини ўтказиш, умумий фойдаланиш жойларини таъмирлаш, кам таъминланган оилаларнинг уйлари ва квартираларини таъмирлашда ёрдам кўрсатиш учун ихтиёрийлик асосида маблағ тўғрисида, кўкаламзорлаштириш ва санитария тозалаш ишларини ўтказиш учун тегишли ҳудудда жойлашган корхоналар ва ташкилотларнинг маблағларидан шартнома асосида фойдаланиш тўғрисида қарорлар қабул қилади. Тўйлар ва бошқа маросимларни ўтказиш бўйича тавсиялар беради. Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ва кўп болали муҳтож оилаларга нафақалар тайинлаш масалаларини ҳал этади, оилаларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадлари учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ажратилган маблағлардан ўз ўрнида самарали фойдаланилишини таъминлайди.

Бундан ташқари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига моддий ва молиявий асосини мустаҳкамлаш мақсадида коммунал хизматлар, газ, сув, электр энергияси учун тўловларни йиғишда қатнашиш, йиғилган маблағнинг маълум фоизини олиш ва йиғиннинг эҳтиёжлари учун ишлатиш ҳуқуқи ҳам ҳукумат қарорларида белгилаб берилган.

### Кенгашли тўй тарқамас

Фуқаролар йиғини фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш, кундалик долзарб масалалардан тортиб, узоқ истиқболга мўлжалланган вазифаларни ҳал этиш бевосита йиғин кенгаши зиммасига юклатилгандир.

Оммавий-сиёсий, маънавий-маърифий, маданий, спорт тадбирларини ўтказишда маҳаллий ҳокимият органларига кўмаклашиш, хотин-қизларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги, оилада маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантиришдаги, ёш авлодни тарбиялаш ишидаги мавқеини оширишга қаратилган чора-тадбирларни кўриш, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор бериш ана шундай вазифалар сирасига киради.

Бундан ташқари, тарбияга оид масалалар юзасидан таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилиш, вояга етмаган ёшлар билан ишлаш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, кекса, ўзгалар ёрдамига муҳтож қарияларга шафелик қилишдан тортиб, ҳудудда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, жамоат тартибини сақлаш сингари бевосита халқимизнинг тинчлиги, фаровонлигига доир масалалар билан шуғулланиш, турли муаммолар юзасидан маҳаллий ҳокимият идораларига таклифлар киритиш ҳам маҳалла Кенгаши томонидан бевосита амалга оширилиши лозим бўлган ишлардир.

Фуқаролар йиғини зиммасидаги Қонунда белгиланган ҳамда кундалик турмуш талабларидан келиб чиқаётган вазифалар шу қадар серқирра ва ранг-барангки, барчасини бирма-бир санаб чиқиш ҳам мушкул. Чунки маҳалла ҳаёти доимо тараққиётда бўлган, янгиланаётган халқ ҳаётининг, жамият ҳаётининг бир бўлагидир.

### Мақсад фақат сайлов эмас...

Республика Олий Мажлисининг шу йил 9 апрелда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисида» қабул қилган қарорига кўра, ваколат муддати тугаши муносабати билан май-июн ойларида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш белгиланган эди.

Бу сайловларни юксак савияда ўтказиш, фуқаролар йиғинларининг жамиятимиз ҳаётидаги аҳамиятини тўла-тўкис намоён этиш мақсадида сайлов олдидан кенг кўламли тайёргарлик ишлари олиб борилди. 5 май куни Республика Олий Мажлисида бевосита шу масалага дахлдор идоралар, вазирликлар раҳбарлари, вилоят, шаҳар ва бир қатор туманлар ҳокимларининг ўринбосарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокидаги семинар машғулотида сайловларни ўтказиш тартиби тўғрисида батафсил фикрлашиб олинди. Худди шундай семинар машғулотлари барча вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда ҳам ўтказилди.

Ушбу анжуманларда фуқаролар йиғинларида навбатдаги сайловларни ўтказишдан кўзда тутилган мақсад фақат оқсоқоллар ва уларнинг маслаҳатчиларини сайлашдангина иборат эмаслиги қайд этилди. Мустақиллик йилларида жамиятни бошқаришнинг шарқона ва миллий қадриятлар билан уйғунлашган демократик институт — ўзини ўзи бошқариш органларининг ўтган даврдаги фаолиятига баҳо бериш, ишини янада такомиллаштиришнинг истиқбол режаларини белгилаб олиш кун тартибидаги бош вазифа этиб белгиланди.

Сайловларга пухта тайёргарлик кўриш ва уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида фуқаролар йиғинлари ҳузурида ишчи гуруҳлари, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари қошида эса жамоатчилик комиссиялари тузилди.

Ўтган давр мобайнида ишчи гуруҳлари ўз ҳудудида йиғин ўтадиган муддатни ва манзилини белгилаш, кўча, маҳалла, мавзе, қишлоқ ва овулларда сайловчилар вакилларини сайлашга бағишланган йиғилишларни ўтказиш, вакилларни хабардор этиш сингари масалалар билан шуғулланган бўлса, жамоатчилик комиссиялари фуқаролар йиғинлари раҳбарларининг сифат таркибини ўрганиш ва энг муносиб номзодларни тавсия этишга оид масалаларни ҳал этдилар.

### Сийлаганни эл сийлайди

Бу йилги сайловларда биринчи марта деярли барча фуқаролар йиғинларида раис (оқсоқол)ни муқобил тарзда сайлаш тартиби амалиётга жорий этилди. Аҳолига ўзи танлаган, сийлаган кишиларни сайлаш имконияти берилди.

Бу пайтда номзодларнинг ўтмишда қандай лавозимни эгаллагани, ким бўлгани эмас, бугунги кунда фуқаролар йиғини ҳудуди аҳолиси ўртасидаги ҳурмат-обрўси, билими, ҳаёт тажрибаси, дунёқараши, ташкилотчилик қобилиятига асосий эътибор берилаяпти. Чунки оқсоқол фақат тўй-маросимларга бошчилик қиладиган шахс эмас, балки, ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий масалаларини ҳал этишга қурби етадиган, маслаҳатчиларининг куч-ғайратини белгиланган вазифаларни бажаришга сафарбар этиш маҳоратига эга бўлган, лўнда қилиб айтганда, маҳалланинг ташвиш ва муаммоларини омилкорлик билан ҳал этадиган чин маънодаги раҳбар бўлиши лозимлигини халқимиз англаб етди.

Шунинг учун ҳам муқаддам ишлаб келган раис (оқсоқол)нинг ҳисоботи ҳам, бўлажак номзодларнинг ҳаракат дастурлари ҳам фаоллик билан муҳокама этиляпти, холисона баҳоланаяпти. Айни пайтда маслаҳатчиларнинг ҳам, масъул котибнинг ҳам ким бўлиши назардан четда қолаётгани йўқ.

Сайловларнинг дастлабки босқичи республикамизнинг барча ҳудудларида талаб даражасида ташкил этилди ва муваффақиятли ўтмоқда. Ҳозиргача республикамиздаги 3938 та маҳалла фуқаролар йиғинларида ўтган сайловларда ўз маҳалладошларининг чинакам ҳурматига ва ишончига сазовор бўлган оқсоқоллар ва уларнинг 30 мингга яқин маслаҳатчилари сайланди. Бу йиғинларда 3 миллион 400 минг нафар фуқаролар вакиллари иштирок этдилар.

Айни кунларда шаҳарча, қишлоқ ва овул фуқаролар йиғинларида сайловлар давом этаётир. Энг муҳими шундаки, бу йиғинларда халқимизнинг сиёсий фаоллиги, кучли фуқаролик жамиятининг асоси бўлган — ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳаётимизда тутган ўрнига юксак баҳо бераётгани ва уни ривожлантиришни даврнинг муҳим вазифаларидан бири сифатида қабул қилаётгани ёрқинроқ намоён бўлаётир.

**Бахтиёр РИЗО.**

---

*«Ватан ягонадир, Ватан биттадир» танловига*

# Юрт қадрини англаётганлар



**Сўлим Фарғонанинг Қиргули шаҳарчасидаги Политехника институти билан ёнма-ён «қўшни» бино пайдо бўлганига бир йилдан ошиб қолди. Тўғри, илгари ҳам бор эди, бу бино. У электротехника лицейи сифатида тилга олинарди. Ҳозирда унинг қиёфаси ҳар қачонгидан гўзаллашиб кетган. Уни таъмирлаш-тиклаш ишларига 600 миллион сўм атрофида маблағ сарфланди ва солиқ коллежига айлантирилди. Ҳаммаси давлат ҳисобидан бўлди.**

Ўшанда 2000 йилнинг 5 майи эди. Матбуотда республика Вазирлар Маҳкамасининг «Бухоро ва Фарғона шаҳарларида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг солиқ коллежларини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Давлат солиқ хизматини малакали кадрлар билан таъминлаш мақсадига хизмат қилувчи мазкур қарорда, Фарғона шаҳар, Қиргули туман, Фарғона кўчаси, 122-уйда жойлашган электротехника касб-ҳунар лицейи биноси қурилиши ва реконструкцияси 2000 йилнинг 1 августигача якунланиши ҳамда Давлат солиқ қўмитаси балансига ўтказилиши кўрсатиб ўтилган эди. Тезда белгиланган маблағлар ажратилди-ю, ҳаракат бошланиб кетди. Қарорда таъкидланганидек, 2000 йилда коллежларнинг жорий харажатлари республика Давлат солиқ қўмитасининг ижтимоий ривожлантириш ва моддий-техника таъминоти жамғармаси ҳисобидан амалга оширилди. Коллеж ишга тушгунча вилоят ҳокимлиги ҳам тиним билмади. Қурилиш ва таъмирлаш ишларини вилоят ҳокимлиги назоратга олди.

Бугун коллежда 70 нафар курсант таълим олмоқда. Шундан 3 нафари қизлар. Курсантлар уч йил ўқиш давомида солиқчи мутахассис бўлиш билан бирга ҳам ҳарбий хизматни ўташади, ҳам ҳайдовчилик гувоҳномасини олишади. Улар учун ҳамма шарт-шароит етарли: дафтар, қалам, китоблару 4 маҳал овқат ҳам бепул. Ҳар бир курсантга ҳарбий ва солиқчи ҳамда спорт формалари тўлиқ ҳолда берилади. Тағин уларнинг мавсумийлигини айтмайсизми. 1, 2, 3, 4 ва 5 кишилик шинам ва ораста ётоқхонанинг уйдан фарқи йўқ. Стипендия курсантларнинг банкда очилган ҳисоб рақамига ўтказилади. Улар ўқиш ва ҳарбий хизматни тугатиб уйга қайтаётганларида қўлларига берилади. Уч йил давомида йиғилган пул уларга катта моддий ёрдам бўлиши турган гап. Ўқиш ва машғулот хоналари, қишки ва ёзги спорт заллари, бассейн, кутубхона, дам олиш хонаси, теннис корти, футбол, волейбол, баскетбол майдонлари жиҳозлари бекаму кўст. Биргина қишки спорт залига ётқизилган ломинат — юмшоқ сузувчи матонинг нархи 6 миллион сўм. Бокс залининг жиҳозлари эса 2,5 миллион сўмни ташкил этади. Маънавият хонасидаги видеокассетада давлатимиз раҳбарининг кейинги йиллар ичида сессия, йирик анжуман ва турли учрашувларда сўзлаган нутқлари муҳрланган. Жавонларга тартиб билан териб қўйилган Президент асарларига курсантлар доимо мурожаат қилишади.

Ҳар куни эрталаб дарс бошланиши олдидан Ўзбекистон байроғи кўтарилиб, курсантлар ижро этган мадҳия тингланади. Дарслар тугагандан сўнг 2,5 соатлик мустақил тайёргарлик вақтида ўтилган машғулот ўқитувчи назоратида такрорланади. Эркин вақтда эса ким футбол ўйнайди, ким китоб ўқийди, ким ўзига бириктирилган ерни чопади, сув қуяди.

Биз бу ерда бошқа коллежларда учрамайдиган бир манзаранинг гувоҳи бўлдик: аксарият кўргазмали қуроллар, плакатлар, расмлар электрга уланган, зарур пайтда тугмача босилса ёнади. Бунинг афзаллиги шундаки, у диққатни тез тортади, ярақлаб кўзга ташланади ва хотирада узоқ вақт сақланиб қолади. Ўзбекистон байроғи, мадҳияси, герби, харитаси, маънавият хонасидаги Амир Темур ва Ислом Каримов портретлари, Олий Мажлис, Тошкент шаҳар ҳокимиятининг янги бинолари, Алишер Навоий ҳайкали фикримизни янада асослайди.

Коллеж ҳовлиси катта боғдан иборат. Кўкка бўй чўзган мирзатераклар, учта-учтадан экилган кўктераклар, хурмо ниҳоллари, бургон — Франция гуллари инсон қўли гул эканлигидан дарак беради. Карам, пиёз, помидор, буғдой, ёнғоқдан тортиб ошқовоққача бор. Фақат бўш жой йўқ. Курсантлар ўзларига бўлиб берилган ҳудудни ўртоғиникидан тартибли ва унумли бўлиши учун жон куйдириб ишлашади.

— Бундай тўкис шароит, аввало, Мустақиллик шарофатидан-у, Юртбошимиз ташаббуси туфайлидир, — дейди коллеж бошлиғи, солиқ хизматининг биринчи даражали маслаҳатчиси Одилжон Иброҳимов. — Шундай шароитнинг қадрига етмаган бола ота-онасига, ватанига, Президентга ва ўзига хиёнат қилган бўлади, эл-юрт назаридан қолади. Буни ҳар бир курсант яхши тушунади. Улар ўзларини Президент фарзанди деб ҳисоблайдилар.



Одилжон асли деҳқондан чиққан. Раҳматли отаси Олимжон ака иш билганга минг танга замонлар келишини орзулаб ўтиб кетди. Одилжон ҳам кам гапириб, кўп ишлашни хуш кўради. Оёғига этик кийиб, кетмон чопа бошласа борми, Жўмахўжа Қозихўжаев, Ориф Умаров, Муқимжон Шаропов, Абдумутал Орзибоев каби ўринбосарлари-ю, ўқитувчилар ҳам дарҳол ёнига тушишади.

Тўғри-да, ҳеч бир нарса осонликча осмондан тушмайди ёки ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди. Ҳовлида кўкараётган нозик ниҳолдан тортиб, ўқув хоналари-ю йўлакларда чарақлаб ёнувчи кўргазмали қуроллар тинимсиз меҳнат, изланиш ва қатъий интизом ҳисобидандир. Юртни сўз билан эмас, меҳнат билан севмоқ, теварак-атрофдагиларга сўз билан эмас, меҳнат билан намуна бўлмоқ бахтини кўрдим мен уларнинг кўнгилларида. Улар тимсолида истиқлол менга нима бераяпти эмас, аксинча, мен истиқлолга нима бераяпман? — деб яшайдиган фидойи инсонлар мужассам. Бундайлар қанча кўпайса, шунча яхши: ислоҳотлар жадаллашади, эл-юрт манфаати юқорилаб, Ватан қадр-қиммати теранлаша боради.

Фарғона солиқ коллежидан ана шундай ёруғ ўйлар билан қайтдим.

**Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---



# Тошкентлик пиллакорларнинг ғалабаси

Тошкент вилояти пиллакорлари фидокорона меҳнат қилиб, йилнинг дастлабки ҳосили — пилла топшириш режасини ортиғи билан адо этдилар. 930 тонна ўрнига 991,5 тонна хомашё тайёрланиб, давлат қабул пунктларига етказиб берилди. Қўлга киритилган ғалабага, айниқса, Бекобод, Бўка, Қуйи Чирчиқ, Юқори Чирчиқ туманларининг «кумуш тола» ижодкорлари муносиб улуш қўшдилар. Ҳар бир қути қурт уруғидан ўртача 47,7 килограммдан хомашё олишга муваффақ бўлинди.

Шартномавий режа ўз вақтида уддаланганлигининг асосий омилларидан бири пиллакорлар ўз вақтида моддий жиҳатдан рағбатлантириб турилганлигидир. Етиштирилаётган «кумуш тола» умумий қийматининг 35-40 фоизи олдиндан аванс тариқасида берилди. Бу ипак қурти боқувчиларининг кайфиятини кўтариб, мўл ҳосил етиштиришга руҳлантирди. Вилоятда пилла топшириш давом этмоқда.

**Ўз мухбиримиз.**

# Хатирчининг карвони

Хатирчи тумани пиллакорлари давлатга пилла топшириш шартнома режасини ортиғи билан адо этдилар. Қабул пунктларига 216 минг 440 килограмм қимматли саноат хомашёси етказиб берилди. Ҳар қути ипак қуртидан ўртача 50 килограммдан сифатли пилла териб олинди.

**(ЎзА).**

---

# Саховат ва мурувват

*«Баркамол авлод» тадбирининг шиори шундай*

Фидокорлар миллий демократик партиясининг Олий Мажлисдаги фракцияси Оналар ва болалар йили муносабати билан бир қанча хайрли тадбирларни амалга ошираяпти. Жумладан, йилнинг дастлабки ярим йиллигида бир қатор вазирлик ва давлат идоралари билан ҳамкорликда мактаб ўқувчиларининг «Олимпиада-2001» республика спорт мусобақаларини ташкил этиш, республика миқёсида «Президент асарларини ўрганамиз» мавзуида ёш китобхонлар республика кўрик-танловини ўтказишда мазкур партиянинг ўзига хос иштироки бўлди. Мамлакатимиздаги 40 дан ортиқ меҳрибонлик уйлари ўртасида «Фидокор» газетасининг соврини учун мини футбол мусобақалари йўлга қўйилди.

Яқинда ФМДПнинг Олий Мажлисдаги фракцияси яна бир савоб ишга қўл урди. Фракция йиғилишининг қарорига кўра «Баркамол авлод» шиори остида саховат ва мурувват акцияси ўтказиладиган бўлди. Акциянинг биринчи босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридаги меҳрибонлик уйлари ўртасида «Фидокор» газетасининг махсус соврини учун республика футбол биринчилиги ташкил этилди. Иккинчи босқич 1 июн — Болаларни ҳимоя қилиш халқаро кунига бағишланди. Унда жойлардаги барча меҳрибонлик уйларида саховат, спорт, маданий ва маърифий байрам тадбирлари уюштирилди.

Фракциянинг 55 депутати 14 та ташвиқот гуруҳига бўлиниб, республикамиздаги меҳрибонлик уйларига ташриф буюрдилар. Энг эсда қоларли тадбирлардан бири Марғилондаги «Меҳрибонлик уйи»да ўтди. ФМДП Марказий кенгаши аъзолари бу ерда тарбияланаётган 230 нафар болага Тошкентдан келтирилган совғаларни улашдилар. Бошқа меҳрибонлик уйларида ҳам саховат ва мурувват ҳаракати кўнгилдагидек ўтказилди. Саховат ва мурувват акциясини ўтказишда фракциянинг Самарқанд, Хоразм, Қашқадарё, Тошкент, Андижон, Жиззах, Сирдарё вилоятларидаги ташвиқот гуруҳлари алоҳида фаоллик кўрсатишди.

Акциянинг учинчи босқичи мустақиллигимизнинг 10 йиллик байрами арафасида Тошкент шаҳрида ўтказилиши режалаштирилган. Унда олдинги босқичлардаги футбол мусобақалари ва барча кўрик-танловлар ғолибларининг финал беллашувлари ўтказилади.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

*Журналист суриштируви*



# Хўрозга ҳайкал қўйиш

Таҳририятимизга Урганч туманидаги Ш. Зарипов номли акциядорлик жамияти ишчи-хизматчилари номидан келган хатни ўқиб, олдинига ажабландик. Барча тармоқларда ислоҳотлар жорий этилаётган, иқтисодий ўсиш яққол кўзга ташланаётган ҳозирги даврда бундай ҳолат рўй бериши, бутун бошли катта корхона бирдан тақа-тақ тўхтаб қолиши мумкинми? Қаерда ислоҳотларнинг асл моҳияти тушунилмаса, ташаббус ва тадбиркорлик бўлмаса, ўша ерда олдинга эмас, орқага кетиш рўй бериши табиий ҳол. 1995 йили 20 миллион дона тухум, 350 тонна товуқ гўштини эл дастурхонига қўйган корхонада ўтган йил охирига келиб, минг-минглаб товуқ сотилиб, сўйиб юборилса, цехлар бўшаб қолса, 400 дан зиёд ишчи-хизматчи мажбурий таътилга чиқариб юборилса, уларга нафақат дивиденд, ойлик маош берилмаса, булар ҳаммаси бу жойда аҳвол чатоқлигидан дарак бермайдими?

Мактубда фикрлар асосли ва ишонарли баён этилган бўлиб, муаллифларни корхонани "жар ёқасига" келтирган собиқ бошқарув раиси Янгибой Рўзиматовнинг сувдан қуруқ чиқиб, "ўз аризасига кўра", силлиққина бўшаб кетганлиги ҳам ўйлантиради.

Корхона дарвозасидан кираверишда баланд шоҳсупада виқор билан турган хўрознинг ҳайкалига кўзингиз тушади. Оппоқ, дуркун хўроз. Бу ерда ушбу жониворни бир пайтлар қаттиқ эъзозлашган кўринади. Албатта, корхона етти хазинанинг бири ҳисобланган шу жонзотнинг шарофати билан ташкил этилган. У қадрлашга лойиқ. Аммо, хўрозга ҳайкал қўйиш билан унга амалдаги муносабат бошқа-бошқа нарсалар.

Яхшиси, бир бошдан бошлайлик. Паррандачилик фабрикаси 56 гектар майдонни эгаллаган, 60 та цехи мавжуд. Агар корхона қайта жиҳозланиб, маблағ билан таъминланса 450 мингдан ортиқ товуқ боқиш имконияти бор. Айтишга осон, бу чўққига ким ҳам интиларди. Корхона 1994 йили акциядорлик жамиятига айлантирилди. 500 сўмлик 89241 та акциянинг ҳаммаси сотиб бўлинган. Акцияларнинг 9,9 фоизи жамоаники. Аммо акциядорларнинг бирортаси ҳозиргача бир сўм ҳам дивиденд ололмаган. Нега? Бу ерда ислоҳот жараёни ўта суст, юзаки ҳолда олиб борилган. Амалда бошқарув тузилмаси ва шакли ўзгарган бўлса-да, ишнинг мазмун-моҳияти ўзгармай қолаверган. Натижада булар бозор иқтисодиётига хос иш услубини жорий этишга тўсиқ бўлган.

Ҳали яқин-яқингача ҳам корхонанинг қадди букилмаган, бу ерда етиштирилган тухум ва товуқ гўшти вилоятдаги бозорларда харидоргир эди. Афсуски...

Халқимиз бир товуққа ҳам дон, ҳам сув керак, деб бежиз айтишмаган. Бунга амал қилинмаса, кундалик зарурат — озуқа масаласи вақтида ҳал этилмаса, таъминотда узилиш бўлса, товуқхонада "ўт чиқиши" турган гап. Бу ерда ана шундай бўлди.

Ўтган йилнинг октябр ойида корхонада 21 минг бош катта парранда, 36 мингта жўжа боқилаётганди. Шу пайтда Хонқа дон маҳсулотлари комбинати 14 миллион сўм қарзни кўпдан бери тўламаётгани, очиқроғи, тўлашга қурби етмагани учун жамиятга ем ажратмай қўйди. Бунинг учун уларни айблаб бўладими? Товуқ ҳам тирик жон. Улар ҳам тўйиб еб, тебраниб турмаса, қирилиб кетади. Оқибатда шунча парранданинг бир қисми тирик, бир қисми сўйилиб сотилди. Жўжаларга ҳам харидор топила қолди. Цехлар бўшади-қолди. Улардан тушган маблағ корхона ҳисобига кирим қилинди. Аммо бундан ким наф кўрди, ким манфаатдор бўлди? Шундай катта корхонани қайта оёққа турғазиш осон ишми?

Савол туғилади: айб кимда? Бу вазиятдан чиқиб кетишнинг, паррандаларни сақлаб қолишнинг иложи бормиди? Бор эди. Узоқни ўйлаб, тадбиркорлик билан иш тутилганда бундай ҳолат юз бермасди. Ўша пайтда жамиятнинг 14 миллион сўм кредитор қарзи бўлган бўлса, 20 миллион сўм дебитор қарзи ҳам бор эди. Унинг собиқ раҳбари жаноб Янгибой Рўзиматов 45 та ташкилотдан шу қарзларини вақтида ундириш ҳақида жиддий қайғурганида эди, корхона қарздорлик исканжасида қолиб кетмасди. Дон комбинатини ҳам рози қилган бўларди. Бу дебитор қарзлар қаердан пайдо бўлди, нега тўлов қувватига эга бўлмаган ташкилотларга текинга маҳсулот берилди? Нақд пули борларга бериш керак эди.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза туғилади, корхонанинг банкдан кредит олиш

---

*Экология ва саломатлик ўн кунлиги давом этмоқда*

# ИНСОН — табиат фарзанди



Инсониятнинг яшаши учун борлиқ — олам шундай тошу тарозида, мутаносиб яратилганки, ундаги биргина жонзотнинг қирилиб кетиши ҳам умумий мувозанатни бузади. Марказий Осиё минтақасида иқлимнинг ўзгариши ҳам ўлкамизда узоқ йиллар давомида табиатта шафқатсиз муносабатда бўлинганлигининг оқибатидир. Катта-катта дарахтзорларнинг кесилиши, қўриқ ерларнинг ўзлаштирилиши, тонналаб заҳарли чиқиндилар билан атроф-муҳитни булғаётган завод-фабрикаларга табиатнинг инқирози деб эмас, инсоннинг қудрати деб қараларди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан она табиатта муносабат ўзгарди. Ўзбекистонда «ЭКОСАН» Халқаро жамғармасининг ташкил этилиши, 30дан ортиқ мамлакатлар томонидан қўллаб-қувватлангани фикримизга бир мисолдир. Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, қилинган саъй-ҳаракатлар натижасида атроф-муҳитга чиқарилаётган заҳарли моддалар ўтган 9 йил ичида 1,3 фоизга ёки 2,6 миллион тоннага камайган.

Дунё миқёсидаги экологик муаммо — Орол муаммоси ҳам айнан исрофгарчилик оқибатида юзага келган фожиадир. Бу фожиа рақамларда яққолроқ кўринади. 1961 йилда Оролда 1050 куб километр сув бўлган бўлса, 2000 йилга келиб 300 куб километрга тушди. 1961 йилда денгиздан 500 минг тонна балиқ олинар эди. Ҳозирда сувнинг шўрлиги 50 фоизга етди. Шунинг учун ҳам «ЭКОСАН» Халқаро жамғармаси томонидан сувни асраш, унинг экологик ҳолатини яхшилашга жамоатчилик эътиборини, ташкилотлар ва тадбиркорлар диққатини тортиш мақсадида чора-тадбирлар кўрилмоқда. Танлов эълон қилинди. Ҳар йили Орол бўйига инсонпарварлик юки ортилган «ЭКОСАН» саломатлик поезди юборилади. 10-15 миллион сўмликдан ортиқ инсонпарварлик ёрдамидан ташқари малакали тиббиёт ходимлари ҳам поезддан ўрин олган.

— Экологик тарбияни йўлга қўймай туриб экологик муаммони бартараф этиш мумкин эмас, — дейди «ЭКОСАН» Халқаро жамғармасининг раиси, Юсуфжон Шодиметов. — Эътибор қилсангиз, собиқ тузум даврида табиатнинг темир қонунларини бузган бузғунчилар бадиий адабиётимизнинг бош қаҳрамонларига айланган эдилар. Табиийки, бунинг ҳам инсон дунёқарашига таъсири бўлган эди. Шу боис ҳам мен оммавий ахборот воситалари ходимларини бу борада ҳамкорликка чақирардим.

5 июн — Бутунжаҳон атроф-муҳити куни муносабати билан ўтказилаётган анъанавий экология ва саломатлик ўн кунлигидан кўзланган мақсад ҳам шу.

Келгуси авлод ўтмиш хатоларини такрорламаслиги учун мактабларда экология соатлари ташкил этилди. Экофестиваллар ўтказилмоқда. Эндиги авлод ҳар бир гиёҳни она табиатнинг бир бўлаги деб билади.

**Дилбар ТУРҒУНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

